

Дилшод Ражаб Шеърларининг Поэтик Талқинига Доир

Ашурова Зулхумор Шодиевна

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти доц. в.б.

Халқузиёва Мохира Асатуллаевна

Жиззах политехника институти доценти

Аннотация: Мазкур мақолада истеъдодли шоир Дилшод Ражаб ижодида бўй кўрсатаётган мактаб ва мактаб ёшидаги болалар руҳиятини тарбиялашга хизмат қиладиган поэтик талқин борасида сўз юритилади. Айниқса, жонли ва жонсиз предметлар, образлардан кутилмаган ҳодисаларни шеърга айлантириш қобилияти барқ урганлиги кашф қилинди. Бу жараён шоирнинг кўпчилик шеърларида янги-янги мазмуннинг поэтик талқини юзага келаётгани борасида сўз юритилди.

Калит сўзлар: талқин, сўз, кечинма, образ, лирика, ҳиссий идрок, мавзу, ғоя, шакл.

Мустақиллик даври ўзбек болалар шеърининг забардаст вакилларида бири Дилшод Ражаб ижоди ҳамиша ҳаётий далилларни, бола тасаввурини шакллантиришга, уларни ватанпарварлик, олижаноблик, меҳр-шафқатли бўлишга даъват қилиши билан таҳсинга сазовордир. Айниқса, шоирнинг “Яхши бола – бахши бола”. “Поезднинг боласи” “Алифбо”, “Отамнинг боғи” сингари шеърини китоблари ёш болаларга манзур бўлганлиги таҳсинга сазовордир. Шоир ҳар қандай рангдан, ҳар қандай кечинмани шеър қила олиш маҳоратига эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Тўғри, лириканинг ботинида нарса, асога қўйилган бирор образ турадики, буни ҳеч иккиланишсиз, шоирнинг бадий ютуғи дейиш мумкин. Шоир яратган хилма-хил поэтик образларда мурғак қалб руҳиятининг, унинг қизиқишлари, орзу-умидлари тараннум этилади. Жумладан, “Поезднинг боласи” шеърини манзумасида оддий ҳаётий воқеаларга ўз ўқувчиларини ишонтира олган.

Таъкидлаш жоизки, “ижтимоий ҳаётда рўй бераётган туб ўзгаришлар болалар адабиётида ҳам ўзининг бадий ифодасини топмоқда. Шу кунгача ёзувчиларимиз диққат-эътиборидан четда қолиб келган муаммолар ҳам қаламга олина бошлади. Айниқса, инсоний дардларни, болалар ҳаётида учрайдиган айрим зиддиятларнинг бутун мураккаблиги билан кўрсатилиши, мурғак қалбларнинг мураккаб олам ҳодисаларини журъат ва тийрак идрок билан шарҳлашга уринишларнинг ўзиёқ мавзу ва талқиндаги янгиликлардан дарак бермоқда”¹. Бинобарин, жаҳонга юз очган Янги Ўзбекистоннинг болалари бугунги кунда билими, зийраклиги, интилувчанлиги, ноёб қобилияти билан кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Улар учун давлатимиз томонидан кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётгани фикримиз ёрқин далилидир.

Шоирнинг қуйидаги “Жирафа” шеърини эътибор берайлик: шеърда кутилмаган вазият, бола тасаввурининг кенгайишига, интилиш қобилиятини юксалтиришга қаратилганлиги билан эътиборга шоён:

Яхшиям бўйни узун,

Унга асқотар жуда.

¹ Иброҳимова З. Мусаффо олам ҳайратлари. Т., “Янги нашр”. 2016. –Б. 84.

Айниқса, дарс маҳали –
Мисол ечиш вақтида.
Чунки у энг ортдаги
Бир партада ўтирар.
Бўйнини чўзиб, аста
Чумолидан кўчирар².

Мазкур шеърдаги поэтик образ шундан иборатки, жирафанинг дангасалиги “бўйнини чўзиш” кифоя эканида янада тиниқроқ гавдаланади. Шеърдаги умумий руҳ, пафос шу қадар аниқ, қисқа, ихчам ва яхлит мантикий аҳамиятга эгаки, “чумолидан кўчирар” тарзида яқун топиши “чумоли”нинг меҳнаткашлиги, унинг интилувчанлигини ркин тасвирларда акс эттиргани билан ўлчанади. Айтиш жоиз, чумолининг тинимсиз меҳнати эвазига кун кечириши, бола руҳиятида бошқача кайфиятни, яъни доимо ўз устида изланиш, ишлаш, меҳнат қилиш муҳим эканлигини таъкидламоқда. Буни ўқиган бола қалбида меҳнат қилиш истаги барқ уришига даъват қилмоқда.

Психологларнинг таъкидлашича, бола руҳиятининг тез ривожланиш даври 4-7 ёшидаги даврида кечаркан. Айнан ўша давр боланинг қобилятини чархлайдиган биринчи давр саналади. Буни теран илғаган шоир наздида болаларнинг ўша даврдаги ҳолати, руҳиятини уйғотиш, уларда олижаноблик ва меҳнатсеварлик кўникмаларни шакллантиришдан иборатдир.

Шоирнинг кўнгина шеърларида жонли ва жонсиз предмет муқояса қилиниб, ундаги асосий ғоя бола тасаввурини ўзига жалб қилишга қаратилади. Айнан бу жараён болаларга олам-олам завқ бағишлай олиши билан диққатга сазовордир. Бир қарашда оддий нарсдан улкан хулоса чиқаришга етаклаш бола руҳиятини покликка ва озодалиқка, олам сирларидан огоҳ бўлишга, табиатни асраб-авайлашга қартилгани ўсиб келаётган мурғак қалбларнинг зехнини ўстиришга йўналтирилади. Масалан “Супургининг ўтинчи” шеърда шу нарса аниқ ечимини топган:

Ифлос қилманг ҳовлини,
Ҳой, бетартиб болалар.
Кўрки бузилса унинг,
Қараб турмас опалар.
Сизни койишар, мен-чи,
Хўп кўраман кунимни;
Ишлатишар воҳ, роса
Ерга ишқаб бурнимни³.

Ушбу шеърда ҳам оддийгина жонсиз, тозаловчи супургининг оху ноласидан сўз юритилмоқда. Яъни унда болаларга супургининг мурожаати тингланади. Ҳали энди мактабга қадам қўяётган болажонларнинг бундай пайтда атроф-жавонибни ораста сақлашга одатланиши, уларнинг катта ҳаётга қадам қўйишида ҳам бунга амал қилишга ўрганмоғи лозимлигига мантикий урғу берилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, бундай кутилмаган “бурилиш”лар шоир ижодида хоҳ фалсафий, хоҳ ижтимоий, хоҳ мантикий руҳда инкишоф қилиниши давр манзараларига ўз муносабатини намоиш қилишда муҳим атрибут саналади. Ахир, бола айнан ўша ёшида теварак-атрофдаги ҳодисотларга бефарқ бўлолмайди. Чунки бу жараён болалар дунёқараши фақатгина шакллантиришга хизмат қилиши айна ҳақиқатдир.

² Дилшод Ражаб. Поезднинг боласи. –Т., “Мухаррир”. 2013. –Б.33.

³ Дилшод Ражаб. Яхши бола – бахши бола. –Т., Ўзбекистон. 2016. –Б.71.

Демак, шеърий изланишларини мантиқан икки йўсинда бўлиб ўтганишни лозим топиш мумкин: биринчи йўналиш – мактабгача ёшдаги болаларга бағишланган шеърлар тизими; иккинчи йўналиш – мактаб ва катта ёшдаги болаларга бағишланган асарлар тизими. Бундай шартли бўлиниш замирида шоир поэтик дунёсидаги образлар моҳиятини, уларда акс эттирилаётган мавзу кўламини, хиссий-интеллект жамулжамини аниқлаштириш қийин эмас.

Шоир шеърларида мифик образлар ҳам учрайдики, ундан чиройли ўхшатишларни кашф қилиш мумкин. Тўғри, бола тасавурида бу ўраб турган оламдаги жамики сир-асрорлар мифик дунёқараш маҳсули эканлигини билишмайди. Бироқ улардаги нуқсон саналадиган тасаввурни ҳосил қилиш мушкул иш. Бу жараён шеърий парча тимсолида биров ўзгариши мумкин. Негаки, бола табиатдаги фасллар алмашинувидан тортиб, улардаги ўзгаришларни ўз тасавурида аниқлашга қизиқиб яшайди. “Инсон ўзи кашф этган кўркув, ваҳм тимсолларини, ҳали абстракт мушоҳада қила олмагани учун жонли ҳолда тасаввур қилиб, махлуқ ва йиртқичлар шаклида рамзлаштирилган. Тимсоллар инсон онгининг тинимсиз ишлашга йўл очгани учун, онг ўз навбатида ожизликдан қутулиш чораларини излаган. Натижада ваҳм ва ёвузлик тимсоллари бўлган махлуқларни енгувчи, ўзига бўйсиндирувчи қаҳрамон туғилган”⁴. Дарҳақиқат, ушбу иқтибоснинг моҳиятида бола руҳиятини янада бойитувчи, уларда тирик ва нотирик предметларга бўлган ички кўркуви, ишончини шакллантирувчи мифологик қатлам мавжуд. Чунончи шеър таркибида акс эттирилаётган ишонч ва умид мантиқий фикрлаш қобилиятини фақатгина яхши томонга қараб ўсишига олиб келади. Масалан, “Ўқимишли хўроз” шеърини таҳлил қилиб кўрайлик:

Кулманг, ота-бобомиз

Сал саводсиз бўлишган.

Агар биз қичқирмасак,

Тонг отмайди дейишган.

Тан оламиз: бизсиз ҳам

Ҳар доим тонг отади.

Лекин бу кўхна олам

Уйғонолмай ётади⁵.

Мазкур шеърда хўш, мифик тасаввур борми? У нега хўроз тимсолида бола руҳиятини тарбиялашга қаратилмоқда? “Ота-бобомиз саводсиз бўлишган” деганда нима назарда тутилмоқда? Хўрознинг тақдирига эрта тонгда қичқириб битилган бўлса у қичқирмаса нима рўй беради? Нега вақтлар ўтиши билан мазкур жараёнга бот-бот мурожаат қилинмоқда? Саволлар бисёр. Жавоб ҳам турли шаклларда янграйди. Шунингдек, тонг ва унинг отиши билан уйғонмаслик орасида икки тушунча синкретик ифодага йўғирилган. Негаки, тонгнинг отишидан қандайдир ҳикмат туйган шоир юқорида келтирганимиздек, “инсоният тимсоллар яратиши”, “эзгулик ва ёвузлик” орасида мангу кураш кечишида муайян даражада поэтик бутунлик юзага келган. Бир қарашда “лирик мен” бола руҳияти янада тозаришга, унинг ботинида рўй бераётган қизиқишларини юксалтиришга қартилгани билан эътиборга лойиқдир.

Умуман, Дилшод Ражабнинг ижодий изланишларида бир томонлама эмас, икки хил хусусият ўқирман эътиборини тортади. Биринчидан, бола руҳиятини ичдан ҳис қилиб ёритиш, иккинчидан оддий деталга улкан маъно, ишора юклай олиш билан ўлчанади. Натижада шахс руҳиятининг интим кечинмалари шеърда метафорани келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, шоир ижодининг ранг-баранглигидан, истиқлол фарзандларини ҳар томонлама баркамол авлод қилиб тарбиялашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

⁴ Жаббор Эшонкул. Фольклор: обра ва талқин. –Қарши. Насаф. 1999. -Б.82.

⁵ Дилшод Ражаб. Яхши бола – бахши бола. –Т., Ўзбекистон. 2016. –Б.72.

Адабиётлар:

1. Олқор дамин шеърятда лингвопоэтика / Н. П. Имомов, З. Ш. Ашурова // Молодой исследователь: вызовы и перспективы: Сборник статей по материалам LXXII международной научно-практической конференции: Общество с ограниченной ответственностью “Интернаука”, 2018. – Р. 574-579.
2. Ашурова, З. Ш. Лингвистическая поэзия поэта Анвар Обиджон / З. Ш. Ашурова // Актуальные научные исследования в современном мире. – 2018. – № 3-6(35). – С. 48-51. Ashurova, Z. (2021). THE ROLE OF THE SCHOOL IN THE PROCESS OF SOCIALIZATION OF STUDENTS. Журнал иностранных языков и лингвистики, 2(3).
3. Shodiyevna A. Z., Bekhruz U. The Study of Linguopoetics in Uzbek Linguistics. – 2022.
4. Ashurova, Z. (2021). LINGUOPOETIC CHARACTERISTICS OF THE ARTISTIC TEXT AND INTERVIEW OF THE AUTHOR’S INDIVIDUAL STYLE. FILOLOGIYA UFQLARI JURNALI, 2(2).
5. Shodiyevna A. Z. RESEARCH OF LINGUOPOETIC PROBLEMS IN EUROPEAN AND RUSSIAN LINGUISTICS //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – С. 59-62.
6. Shodiyevna A. Z. PROBLEMS OF LINGUOPOETICS IN TURKIC AND UZBEK LINGUISTICS //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 23. – С. 521-524.
7. Ashurova Zulxumor LINGUOVOETIC CHARACTERISTICS OF THE ARTISTIC TEXT AND THE AUTHOR’S INTERPRETATION OF THE INDIVIDUAL STYLE // Архивариус. 2020. №8 (53).
8. Shodiyevna A. Z., Bekhruz U. The Study of Linguopoetics in Uzbek Linguistics. – 2022.
9. Ashurova, Z. S. (2023). The Use of Metaphors in Children’s Poetry of the Period of Independence (On the Example of Poems by A. Obidjon, O. Damin, D. Rajab). Journal of Ethics and Diversity in International Communication, 3(5), 35–40.
10. Ashurova, Z. S. (2023). BASIC PRINCIPLES AND DIRECTIONS OF LINGUISTIC AND POETIC RESEARCH. JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE, 2(5), 58–60.
11. Ashurova, Z. S. (2023). Lexical Devices in Children’s Poetry. International Journal on Orange Technologies, 5(5), 153-157.
12. Ashurova, Z.S. and Konstantinovna, I.K. (2023). MUSTAQILLIK DAVRI TURKMAN BOLALAR ADABIYOTI LINGVOPOETIKASI. Gospodarka i Innowacje., [online] 34, pp.499–503.
13. Ashurova, Z. S. (2023). The Use of Metaphors in Children’s Poetry of the Period of Independence (On the Example of Poems by A. Obidjon, O. Damin, D. Rajab). Journal of Ethics and Diversity in International Communication, 3(5), 35–40.
14. Ashurova, Z. S. (2023). BASIC PRINCIPLES AND DIRECTIONS OF LINGUISTIC AND POETIC RESEARCH. JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE, 2(5), 58–60.
15. Ashurova, Z. S. (2023). Lexical Devices in Children’s Poetry. International Journal on Orange Technologies, 5(5), 153-157
16. Z. Sh. Ashurova. (2023). Features of Metaphors in Shaukat Rahman’s Poetry. *International Journal on Orange Technologies*, 5(6), 113-117.
17. Akhrorova, Sh. Жамият ва ижтимоий муносабатларда маънавий омиллар. Архив Научных Публикаций JSPI. - 2020. -23(1).
18. S.U. Akhrorova, (2020) “National interests and their value in social relations”, Asian Journal of Multidimensional Research, Vol. 9, pp. 235-239

19. S.U. Akhrorova, (2020) "Manifestation of national spiritual features in the subjects of social policy", *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, Vol. 10, pp. 2130-2134
20. Ахророва, Ш. У. Аспект национальных ценностей в социальной политике в Узбекистане / Ш. У. Ахророва // *Credo New*. – 2013. – № 4. – С. 18.
21. Ahrorova, Sh. U. The meaning of national values for social life in Uzbekistan / Sh. U. Ahrorova // *Europaische Fachhochschule*. – 2014. – No 3. – P. 128-129.
22. Убайдуллаев Б. С. Общественные отношения и социальная политика // *ЛУЧШЕЕ СТУДЕНЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ 2021*. – 2021. – С. 192-196.
23. Ахророва Ш. Жамият ривожда миллий кадриятларнинг ўрни // *Научно-просветительский журнал "Наставник"*. – 2020.
24. Ahrorova S. U. Жамият ижтимоий-тарихий барқарор тизим сифатида // *Актуальные научные исследования в современном мире/ООО" Институт социальной трансформации*. – 2020. – Т. 9.
25. Urinboevna S. A. PHILOSOPHICAL FEATURES OF THE DIALECTIC OF NATIONAL VALUES // *Gospodarka i Innowacje*. – 2022. – Т. 29. – С. 308-312.
26. Ахророва Ш. У. SOCIETY AS A SOCIO-HISTORICALLY STABLE STRUCTURE // *Актуальные научные исследования в современном мире*. – 2020. – №. 9-2. – С. 115-124.
27. Ахророва Ш. Ў. ИНСОН ҚАДРИЯТИДА МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ // *FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL*. – С. 47.